



МАЖБУРИЯТЛАР АУДИТИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Очилов Фарход,
Тошкент молия институти "Аудит" кафедраси доценти
Тошкент, Ўзбекистон

IMPROVING THE OBLIGATIONS AUDIT BASED ON THE REQUIREMENTS OF INTERNATIONAL STANDARDS

Ochilov Farkhod,
PhD, Associate Professor Department of Audit
Tashkent State University of Economics

JEL Classification: M1,M4,M41

Аннотация. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини халқаро стандартлар талаблари асосида аудиторлик текширувидан ўtkазиш ҳамда хulosaga бериши бўйича бир қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар ишилаб чиқилмоқда. Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларда риска асосланган аудитни ўtkazishiда аудиторлар томонидан аудитнинг халқаро стандартларини қўллаш бўйича назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик фикрлар баён қилинган. Шунингдек, молиявий ҳисоботларда юзага келадиган номувофиқликларни аудиторлик текшируvida бартараф этиши ва муҳим бузиб кўрсатишлар рискини камайтириши бўйича таклиф ва тавсиялар ишилаб чиқилган.

Abstract. Nowadays several regulatory and legal documents are being developed on auditing and giving conclusions regarding financial statements of economic entities of various ownership types operating in the territory of the Republic of Uzbekistan based on the requirements of international audit standards. In this article explained the

theoretical and practical considerations of the use of international audit standards by auditors in conducting risk-based audits of business entities. In addition, suggestions and recommendations were developed to eliminate inconsistencies in financial statements and reduce the risk of significant misstatements.

Калим сўзлар. мажбуриятлар, аудитнинг халқаро стандартлари, молиявий ҳисобот аудити, аудиторлик риски

Keywords. liabilities, international standards on auditing, financial statement auditing, audit risk

Кириш. Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ўtkazish ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Аудит ва ишончни таъминловчи топшириқларнинг халқаро стандартлари кўмитаси томонидан тасдиқланган аудитнинг халқаро стандартлари аудиторлик текширувларининг сифатли ҳамда аудиторлик хulosalarinining ишончли бўлишига имкон яратади. Аудитнинг халқаро стандартларига риоя қилишнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири мазкур

стандартларнинг глобал миқёсда ўтказиладиган аудиторлик текширувларида изчилилк ва бир хиллик таъминланишидир. Мазкур аудитнинг халқаро стандартларида келтирилган умумий принциплар ва концептуал асос турли бизнес хусусиятларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини тизимли ҳамда қиёсланувчан тарзда ўтказилишига замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси аудит хизматлари бозорида фаолият олиб бораётган аудиторлик ташкилотлари амалиётига аудитнинг халқаро стандартларини тадбиқ қилиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, молиявий ҳисбот аудитида мажбуриятлар энг муҳим обьектлардан бири ҳисобланади. Мажбуриятлар аудитини такомиллаштириш юзасидан иқтисодчи олимлар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган. Бироқ, мажбуриятлар аудитини ўтказиш ҳамда ташкил қилишнинг методологик масалалари мазкур илмий тадқиқотларда тўлиқ ёритиб берилмаган.

Материал ва метод. Молиявий ҳисбот аудити тушунчасига бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан таърифлар берилган. Қуйида, молиявий ҳисбот аудитининг норматив-хуқуқий асослари ҳамда иқтисодчи олимларнинг қарашларини келтириб ўтамиз.

Ўзбекистон Республикасида 2021 йил 25-февралда қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ «хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисботининг ва у билан боғлиқ молиявий ахборотининг аудиторлик текшируви текшириладиган молиявий ҳисботнинг ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотнинг ишончлилигини ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликка

мувофиқлигини аниқлаш мақсадида аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилади» [1].

«Мустақил аудиторнинг асосий мақсадлари ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудит ўтказиши» номли 200-сон аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ «молиявий ҳисботлар аудити:

(а) молиявий ҳисботнинг барча муҳим жиҳатлари бўйича тузилганлиги тўғрисида аудиторга тегишли фикр билдириш имкониятини бериш учун, умуман олганда, молиявий ҳисботда фирибгарлик ёки хатолик туфайли жиддий нотўғри маълумотлар мавжуд эмаслиги тўғрисида асосли ишончни олиш;

б) халқаро аудит стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда ва аудиторнинг хуросаларига мувофиқ молиявий ҳисбот бўйича хуроса тайёрлаш ва тақдим этишдан иборат» [2].

Иқтисодчи олимлар Э.А.Аренс ва Дж.К.Лоббекларнинг таъкидлашича, «аудит - бу ваколатли мустақил ходим ўз хуросасида ушбу маълумотларнинг белгиланган мезонларга мувофиқлиги даражасини аниқлаш ва ифодалаш учун миқдорий ва маълум бир иқтисодий тизим билан боғлиқ бўлган далилларни тўплаш ва баҳолаш жараёни» [3].

Яна бир гурухи иқтисодчи олимлар Так Иса, Морариу Ана, Гуней Айханлар «молиявий ҳисбот аудитининг мақсади молиявий ахборотлар бўйича аниқ ва ишончли фикрни шакллантиришdir» деб таърифлашган [4].

А.Вазири ва К.Азади «молиявий ҳисбот аудитининг мақсади текширув натижалари бўйича молиявий ҳисботнинг яхлитлиги юзасидан профессионал фикр билдириб, унинг ишончлилигини тасдиқлашдан иборатdir» деб, ўз қарашларини ёритиб

берган [5].

Маҳаллий иқтисодчи олимлар А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов ва А.З. Авлоқуловлар «молиявий ҳисобот аудитининг мақсади бўлиб, аудиторга молиявий ҳисобот барча аҳамиятли жабҳалар бўйича молиявий ҳисоботни тақдим этишга оид белгиланган концептуал асосга мувофиқ тайёрланганлиги ҳакида ўз фикрини билдириш учун имконият яратишдир» деб таърифлашган [6].

Н.Ш. Хажимуратов ўзининг илмий тадқиқот ишларида «молиявий ҳисобот аудитининг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботининг амалдаги норматив-хуқуқий хужжатлар асосида тайёрланганлигини ва молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги хусусида ҳаққоний фикрни шакллантиришдан иборатдир», деб таъкидлаган [7].

Юқоридаги олимларнинг фикрларидан келиб чиқсан ҳолда, молиявий ҳисобот аудити – бу мустақил аудитор томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари, бухгалтерия операция ва ҳисобкитобларини тизимли равишда текшириш деб, таърифлаш мақсадга мувофиқдир. Молиявий ҳисобот аудитининг мақсади инвесторлар, кредиторлар ва назорат қилувчи органлар каби манфаатдор томонларга хўжалик юритувчи субъект томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботлар амалдаги бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартлари ҳамда норматив-хуқуқий хужжатларга мувофиқ унинг молиявий ҳолати, натижалари ва пул оқимларини тўғри акс эттиришига ишонч ҳосил қилишдан иборат.

Молиявий ҳисобот аудити давомида аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини, молиявий ҳисоботни тайёрлашда

қўлланиладиган ҳисоб сиёсати ва ҳисобкитобларнинг тўғрилигини баҳолайди ҳамда ошкор қилинган молиявий ахборотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текширади. Кейин аудитор молиявий ҳисоботда муҳим бузуб кўрсатишлар мавжуд эмаслиги ва хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини ҳаққоний тақдим этиши тўғрисида хulosса чиқаради.

Натижалар. Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиши юқори сифатли, изчил ва аудитнинг умумий мақсадларини тўлиқ очиб берилган аудиторлик хulosаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Бу, ўз навбатида, молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлигини оширади, капитал бозорларининг самарали ишлашига ва манфаатдор томонларнинг аудиторлик касбига бўлган ишончи ошишига ҳисса кўшади (1-расм).

Аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказилган молиявий ҳисобот аудити натижалари жаҳон миқёсида бир хилда қабул қилинади ҳамда тан олинади. Шунингдек, аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида аудиторлик текширувларини ташкил қилиш ва ўтказиши молиявий ҳисоботларга нисбатан ишончлиликни оширишнинг асосий дастаги бўлиб хизмат қиласи. Аудитнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисобот ва аудитнинг муаммоли жиҳатларини ҳал қилишда энг асосий тизимли ёндашувларни ўзида акс эттиради.

Мазкур аудитнинг халқаро стандартларига қўлланилиши натижасида аудиторлик ҳисоботи ва хulosаларининг ишончлилиги мустахкамланади ҳамда

трансчегаравий операцияларни амалга оширишни осонлаштиради, чунки манфаатдор томонлар глобал миқёсда қабул қилингандык принципларга мувофиқ ўтказиладиган аудиторлик текширувлариға күпроқ ишонишади. Шу сабабли, аксарият молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилик аудиторлик текширувларини АХСГА мувофиқ ўтказишни талаб қиласади. Ушбу стандартларга риоя қилиш аудиторларга хуқуқий ва меъёрий талабларни

бажаришга ёрдам беради ҳамда мухим бузид күрсатыштар рискини камайтиради.

Инвесторлар, кредиторлар ва назорат қилувчи органлар каби молиявий маълумотлардан фойдаланувчилик асосида қарорлар қабул қилиш учун аудитнинг халқаро стандартлари асосида текширилган молиявий ҳисоботларга таянадилар. Бу ўз навбатида, аудиторлар, бошқарув, тафтиш комиссиялари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида самарали мулоқотни осонлаштиради.

Мувофиқлик ва бир хилликка эришиш

Молиявий ҳисобот аудити сифатининг таъминланиши

Глобал миқёсда тан олиниши

Конуний ва меъёрий мувофиқликни таъминлаш

Манфаатдор томонлар ишончини оқлаш

Самарали бошқарув қарорларини қабул қилиш

Риск ва жавобгарлик даражасини баҳолаш

Профессионал мулоҳаза ва спектицизмни қўллаш

Профессионал ахлоқий талабларга риоя қилиш

Молиявий ҳисобот аудити сифатини назорат қилиш

1-расм. Молиявий ҳисобот аудитини аудитнинг халқаро стандартлари асосида ўтказишнинг аҳамияти¹

¹ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Фикримизча, аудиторлар текширув давомида молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш риски даражасини баҳолашлари ва аудиторлик амалларини шунга мос равища мослаштиришлари керак. Бу эса, аудиторлик текширувининг хато ёки фирибгарлик риски юқори бўлган соҳаларга йўналтирилишини таъминлайди. Шунингдек, аудит жараёнида профессионал мuloҳазалар шубҳа билан қарашга ундейди, мустақиллик, ҳалоллик, холислик ва профессионал компетентлик принциплари асосида, аудиторлар учун ахлоқий масалаларни қамраб олиш орқали аудиторлик ташкилотларининг аудит иши сифатини назорат қилиш ва манфаатдор томонларга ишончни таъминлаш учун тегишли ахборотларга эга бўлишини таъминлайди.

«Аудиторлик рискини мақбул даражагача пасайтириш ва, шу тариқа, аудиторга аудиторлик фикри учун асос бўладиган оқилона хulosалар чиқариш имконини бериш учун етарлича тегишли аудиторлик далиллари олингани ёки олинмагани тўғрисидаги масала профессионал мuloҳаза масаласи ҳисобланади. 500-сон АХС ва бошқа тегишли АХСда аудитни ўтказиш жараёнида етарли тегишли аудиторлик далилларини олишда аудитор томонидан кўриб чиқиладиган масалаларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган қўшимча талаблар белгиланган ва қўлланма тақдим этилган. Аудиторлик риски муҳим бузиб кўрсатишлар риски ва аниқланмаслик риски билан бевосита боғлиқ бўлади. Рискларни баҳолаш ушбу мақсад учун зарур бўлган ахборотни олиш мақсадида ишлаб чиқилган аудиторлик амаллари ҳамда аудитни ўтказиш жараёнида олинган далилларга асосланади. Рискларни баҳолаш – бу аниқ баҳолаш мумкин бўлган масала эмас, балки

профессионал мuloҳаза масаласидир. АХС нуқтаи назаридан аудиторлик риски гарчи молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатишлардан холи бўлса-да, аудитор молиявий ҳисоботлар муҳим бузиб кўрсатилгани тўғрисида фикр билдирган бўлиши мумкинлиги рискини ўз ичига олмайди. Бундан ташқари, аудиторлик риски – бу аудит ўтказиш жараёни билан боғлиқ бўлган техник атама ҳисобланиб, у аудиторнинг тадбиркорлик рискларига, хусусан, суд муҳокамаси, молиявий ҳисоботлар аудити муносабати билан юз берган бошқа ҳодисалар натижасида кўрилган заарларга татбиқ этилмайди» [2].

Аудиторлик текшируvida молиявий ҳисоботларнинг тўғри ва ҳаққоний тузилганлиги тўғрисида холисона аудиторлик хulosаларини шакллантиришда мазкур молиявий ҳисоботларда мажбуриятлар микдорининг тўғрилиги ва аниқлиги шунингдек, мажбуриятлар ҳисобига оид ахборотларнинг тўлиқ акс этирилганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар аудитини ўтказиш пайтида аудиторлар молиявий ҳисоботларда мавжуд муҳим бузиб кўрсатиш рискларини аниқлаши ва уларни пасайтириш чораларини кўриши керак. Мазкур муҳим бузиб кўрсатиш рисклари мураккаб бухгалтерия операциялари, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини қўллашдаги тушунмовчиликлар, баҳолангандан ва шартли мажбуриятларнинг хусусиятлари каби омиллар туфайли юзага келиши мумкин. Мажбуриятлар аудитини ўтказиш жараёнида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва молиявий ҳисоботларда мавжуд бўлиши мумкин бўлган умумий муҳим бузиб кўрсатишлар рисклари ҳамда уларни камайтириш йўналишлари

2-жадвалда келтириб ўтилган.

Хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказиши жараёнида аудиторлар молиявий ҳисботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосга мувофиқ бевосита аудитнинг халқаро стандартларидағи ўринли талабларни кетма-кетликда бажаришлари лозим. Жумладан, текширув жараёнида аудитнинг халқаро стандартида келтирилган шарҳловчи материалларда келтирилган талаблар ҳам тўлиқ бажарилиши мақсадга мувофиқ. Бироқ, аудитнинг халқаро стандартлари талабарини бажариш чоғида аудит амалларининг нотўғри қўлланилиши текширув якунида турли номувофиқликлар келиб чиқишига сабаб бўлади ҳамда аудиторлик хулосаси ва якуний фикрни шакллантиришда чигалликларни юзага келтиради.

Аксарият аудиторлик текширувларида аудитнинг халқаро стандартларида келтирилган мақсадлардан фойдаланиш жараёнларида мазкур стандартларнинг ўзаро алоқадорлигини тўлиқ тадбиқ этиш аудиторлик текшируви натижаларининг ишончлилигини янада оширади ҳамда молиявий ҳисботлардаги кўрсаткичларнинг ҳаққонийлик даражасига ижобий таъсир қиласи.

Аудиторлар текширув пайтида батафсил тестлаш ҳамда моҳиятига қўра аудит амалларини бажаришлари орқали етарли ва ишончли аудиторлик далилларини олишга ҳаракат қиласи. Айrim ҳолатларда молиявий ҳисботлардаги номувофиқликларнинг юзага келиши натижасида аудитор томонидан тегишли аудитнинг халқаро стандарти асосида қўшимча аудит амалларини бажаришлари талаб этилади. Чунки, аудиторлик хулосасида фикрни модификациялашга сабаб бўладиган

операцияларни текширишда аудитордан алоҳида билим ва тажриба талаб қилинади ҳамда мазкур ҳолатларда қўшимча таҳлилий амалларни бажариш лозимлиги ёки зарурат йўқлигини аниқлаб олиш лозимдир.

Мажбуриятлар аудитида учрайдиган умумий мухим бузиб күрсатишлар рисклари ҳамда уларни камайтириш йўлналишлари²

№	Молиявий хисоботлардаги ҳолатлар	Молиявий хисоботларда мажбуриятлар бўйича мухим бузиб күрсатиш риски даражасини оширувчи омиллар	Аудиторлик текшируvida мажбуриятлар бўйича мухим бузиб күрсатиш риски даражасини камайтириш йўналишлари	Фойдаланиладиган ахборот манбалари
1.	Молиявий хисоботларнинг ҳалқаро стандартларини қўллашдаги номувофиқликлар	Молиявий хисоботнинг ҳалқаро стандартлари талаблари асосида мажбуриятларни бухгалтерия хисобида акс эттиришда мураккаб операциялар содир бўлиши, айниқса, мазкур операциялар молиявий инструментлар ёки мураккаб шартномавий муносабатларни ўз ичига олганлиги молиявий хисоботларда мухим бузиб күрсатиш рискларини ошириши мумкин.	Аудиторлар мазкур молиявий хисоботлардаги мажбуриятларга оид моддаларни текширишда 23-сон БХХС, 32-сон БХХС, 39-сон БХХС, 37-сон БХХС ва 7-сон МХХС каби тегишли бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботнинг ҳалқаро стандартлари талабларини чуқур тушунишлари ва талқин қилишлари лозим. Аудиторлик текшируvida аудиторлар молиявий хисоботларининг мазкур стандартларга мувофиқлигини синчковлик билан баҳолashi ва ҳаққоний ёритиб берилганигини ўрганиб чиқиши лозим.	23-сон БХХС, 32-сон БХХС, 39-сон БХХС, 37-сон БХХС, 7-сон МХХС
2.	Молиявий мажбуриятларни баҳолашдаги четланишлар	Хўжалик юритувчи субъектларда облигациялар, кредитлар ва деривативлар каби молиявий мажбуриятларни ҳақконий қийматда баҳолаш жараёнлари молиявий хисоботларда турили номувофиқликларни келтириб чиқариши мумкин.	Аудиторлар ҳақконий қийматни баҳолаш учун қўлланилган усууларнинг асослигини кўриб чиқишлиари лозим. Аудиторлик текшируvida молиявий хисоботларда ёритиб берилган айrim молиявий мажбуриятларни баҳолашнинг тўғрилигини текширишда эксперт хизматидан фойдаланишлари мумкин. Аудиторлар жалб қилинган эксперtlар билан келишилган ҳолда, бозор шароитлари, фоиз ставкалари ва бошқа тегишли омилларни хисобга олишлари лозим.	32-сон БХХС, 39-сон БХХС, 620-сон АХС, 520-сон АХС, 540-сон АХС
3.	Молиявий хисоботга тушунтиришларда шартли мажбуриятларнинг мавжудлиги	Хўжалик юритувчи субъектда кўриб чиқилаётган суд даъволари ёки кафолат бўйича даъволар каби шартли мажбуриятлар молиявий хисоботларда дастлаб тан олинмаслиги мумкин, бу эса мухим бузиб күрсатиш риски даражасини оширади.	Аудиторлик текшируvida хўжалик юритувчи субъектнинг шартли мажбуриятларини аниқлаш ва баҳолаш тартиблари аудитор томонидан синчиклаб ўрганишлари лозим. Улар шартли мажбуриятларнинг содир бўлиш эҳтимоллиги ва потенциал ҳажмини баҳолашда ҳам юридик эксперtlарни жалб қилишлари мақсадга мувофиқдир.	37-сон БХХС, 520-сон АХС, 540-сон АХС, 620-сон АХС,

² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

4.	<p>Молиявий хисоботларда баҳоланган мажбуриятларни акс эттиришдаги номувофиқликлар</p>	<p>Хўжалик юритувчи субъектларда маҳсулотларни сотиш ёки кўрсатилган хизматлар бўйича кафолатлар, реструктуризация харажатлари ва суд даъволари бўйича баҳоланган мажбуриятларни бухгалтерия хисобида расмийлаштириш ҳамда молиявий хисоботларда акс эттиришда мазкур субъект раҳбариятининг нохолис мулоҳазалари молиявий хисоботларда мажбуриятлар миқдорида турли оғишишларни келтириб чиқаради.</p>	<p>Аудиторлар бухгалтерия хисобида баҳоланган мажбуриятлар бўйича хисоб-китобларнинг асослилигини олдинги тажриба, иқтисодий вазият ўзгариши ва учинчи шахслардан олинган маълумотларни хисобга олган ҳолда баҳолашлари керак. Аудиторлик текшируvida баҳоланган мажбуриятларни хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан баҳолашдаги ўзгаришларнинг молиявий хисоботларга потенциал таъсирини ўрганишда таҳлилий амалларни қўлланилиши лозим.</p>	<p>8-сон БХХС, 37-сон БХХС, 520-сон АХС, 540-сон АХС</p>
5.	<p>Хўжалик юритувчи субъектнинг қарз шартномалари ва уларга риоя қилишдаги номувофиқликлар</p>	<p>Мол етказиб берувчи ҳамда пудратчилар билан тузилган шартнома шартларига риоя қиласлик хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати ва фаолиятнинг узлуксизлиги бўйича жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.</p>	<p>Аудиторлар текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг мол етказиб берувчилар ҳамда пудратчилар билан тузилган шартномалари бўйича шартларни баҳолашлари ва ҳар қандай мумкин бўлган бузилишларни кўриб чиқишилари керак. Ушбу ҳолатларда аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг юридик маслаҳатчиси билан маслаҳатлашиши ҳамда кредиторлардан ташқи тасдиқномаларни олиши мақсадга мувофиқdir.</p>	<p>23-сон БХХС, 32-сон БХХС, 505-сон АХС, 570-сон АХС</p>
6.	<p>Молиявий хисобот санасидан кейинги ҳодисаларнинг содир бўлиши билан боғлиқ ҳолатлар</p>	<p>Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий хисобот санасидан кейин, бироқ молиявий хисоботни тасдиқлашдан олдин содир бўлган ҳодисалар молиявий хисоботлардаги мажбуриятлар миқдорининг ўзгаришига бевосита таъсири қилиши мумкин.</p>	<p>Аудиторлик текшируvida молиявий хисобот санасидан кейинги ҳодисалар бўйича аудиторлик далилларини олиш юзасидан хўжалик юритувчи субъект раҳбариятидан сўров ўтказиш орқали амалга ошириш лозим. Шунингдек, содир бўлган ҳодисаларнинг молиявий хисоботларда мавжуд мажбуриятлар миқдорига таъсирини баҳолашлари ва молиявий хисоботларда тегишли тузатишлар талаб этилиши ёки этилмаслигини таъминлашлари керак.</p>	<p>10-сон БХХС, 560-сон АХС</p>
7.	<p>Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги фаразни кўллашдаги муаммолар</p>	<p>Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий хисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда фаолият узлуксизлиги тўғрисидаги фаразни кўллаш лозим. Мазкур фаолият узлуксизлигига нисбатан мажбуриятларнинг таъсирини баҳолашда турли ноаникликлар келиб чиқиши мумкин.</p>	<p>Аудиторлар карзни тўлаш муддати, ликвидлик ва корхонанинг бизнес режалари каби кўрсаткичларни инобатга олган ҳолда корхона фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини қайта баҳолашлари мақсадга мувофиқ. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият узлуксизлигига таъсири килувчи омилларни кўриб чиқишилари лозим.</p>	<p>1-сон БХХС, 1-сон МХХС, 570-сон АХС</p>

Юқоридаги жадвалга эътибор қаратадиган бўлсак, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш ҳамда молиявий ҳисоботларни молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари талаблари асосида тузишда мажбуриятлар ҳисобининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд эканлиги кўзга ташланади. Хусусан, аудиторлик текшируvida аудиторлар томонидан кўлланиладиган таҳлилий амалларнинг кўламини бевосита аниқлаш ҳамда самарали қўллашга эришишда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида мавжуд мажбуриятларнинг турлари ва хусусиятларини инобатга олиш муҳим эканлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, аудитор молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида мажбуриятлар билан боғлиқ бўлган барча тартиб-қоидаларни тўлиқ ўрганишлари ҳамда турли бизнес хусусиятга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектларда мазкур талаблар бўйича бухгалтерия хизмати ходимлари томонидан акс эттирилган бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини холисона баҳолашлари лозим.

Хўжалик юритувчи субъектларда мажбуриятлар аудитини халқаро стандартлар талаблари асосида ўтказиша аудиторлар учун аудит амалларини текширилаётган субъектнинг бизнес хусусиятлари ҳамда молиявий ҳисоботларида мавжуд мажбуриятларининг хусусиятидан келиб чиқсан ҳолда, рискларни бартараф этиш учун мослаштиришда мазкур стандартларни қўллаш бўйича олдинги амалиётга эътибор қаратишлари шарт. Молиявий ҳисоботларда ёритиб берилган мажбуриятлар миқдори билан боғлиқ рискларни ҳар томонлама баҳолаш ва камайтириш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти, аудит қўмитаси ва

ташқи эксперталар билан ўзаро ҳамкорлик қилиши мақсадга мувофиқдир.

Хулоса. Мажбуриятлар аудитини халқаро стандартлари талаблари асосида ўтказиш бўйича фикрларни умумлаштирган ҳолда қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Молиявий ҳисобот аудити атамасига иқтисодчи олимлар томонидан берилган турли фикрлар ҳамда талқинларни таҳлил қилган ҳолда мазкур атама юзасидан умумлаштирилган таъриф бериб ўтилди.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувидан ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда аудитнинг халқаро стандартларини текширувда қўллаш бўйича илмий асосланган тавсиялар тайёрланди. Жумладан, аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида аудиторлик текшируvida юзага келадиган мураккаблик ва номувофиқлик ҳолатларини ҳал қилишда турли ёндошувлар бўйича муаллифлик қарашлари ёритиб берилди. Мажбуриятлар аудитини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида ўтказишнинг аҳамияти ва зарурлигидан келиб чиқсан ҳолда аудиторлик текширувининг аниқ мақсади ва вазифалари тизимлаштирилди.

3. Мажбуриятлар аудити молиявий ҳисобот аудитининг таркибида энг муҳим бўлган объектлардан биридир. Мажбуриятлар аудитини ўтказиш пайтида молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида мажбуриятлар ҳисобида учрайдиган муҳим бузиб кўрсатиш рисклари даражасини оширадиган умумий хатоликлар ҳамда мазкур муҳим бузиб кўрсатиш ҳолатларини бартараф



этиш йўналишлари келтириб ўтилган. Шунингдек, аудитор томонидан молиявий ҳисоботларда мавжуд мажбуриятларни тўлиқ ва холисона текшириш ҳамда хуносаларни шакллантиришда аудитнинг халқаро стандартлари билан молиявий

ҳисоботнинг халқаро стандартларини боғлиқ ҳолда таҳлилий амалларни қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги «Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги»ги ЎРҚ-677-сон Қонуни. www.lex.uz.
2. “Мустақил аудиторнинг умумий мақсадлари ва аудитни аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказиш” номли 200-сон АХС. www.lex.uz.
3. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2013. -560c.
4. Tak Isa, Morariu Ana, Guney Ayhan. The importance of the financial audit perception in the internal control structure to prevent the financial crises: evidence from Romania. //WEI International European Academic Conference Proceedings. October 14-17, 2012. Zagreb, Croatia.
5. Alireza Vaziri, Kayhan Azadi. The Impact of Audit Reports on Financial Information Content. // International Journal of Economics and Financial Issues, 2017, 7(3), 304-308.
6. Karimov A.A., Islomov F.R., Avlokulov A.Z. Xalqaro audit. Darslik. –T.: «Niholprint», 2023 yil.– 400 b.
7. Xajimuratov N.Sh. Moliyaviy hisobot auditi: nazariya, metodologiya va amaliyot. Monografiya. – Toshkent: Lesson Press, 2020. -190 b.